

БАНК АХБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbirkorларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№51 (1178), 2018 йил 20 декабрь



Дунё тажрибасидан маълумки, Марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатидаги асосий инструментлардан бири бу коммуникация сиёсатини олиб боришда оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш ҳамда тизимдаги ҳар бир ўзгаришлардан аҳолини бохабар қилиб боришдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам қатор ижобий ишларни амалга ошириб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тизимдаги шаффофлик ва очиқликни таъминлаш ҳамда халқимизни банк соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш мақсадида ОАВ вакиллари учун қатор анжуманлар, брифинглар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, яқинда



пойтахтимизнинг "Тараққиёт стратегияси" марказида Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти мутахассислари ва журналистлар ўртасида ана шундай тadbир ташкил этилди. Пул-кредит сиёсати соҳасида 2018

йилда амалга оширилган ишлар ҳамда Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари мавзусида бўлиб ўтган анжуманда Марказий банк департаменти директори Бехзод Ҳамроев

йигилганларга жорий йил ва келгуси йилларда пул-кредит сиёсатида бўладиган ўзгаришлар ва қутилмалар ҳақида батафсил маълумот берди.

(Давоми 2-бетда.)

Бугун юртимизнинг чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам ша-роити шаҳарникидан қолишмайдиган замонавий бинолар, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилаётди. Мазкур уй-жойларнинг аҳолига ипотека кредити асосида берилётгани эса халқимизнинг чексиз қувончига сабаб бўлмоқда.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИДА ЎЗГАРИШЛАР

Неча йилдирки, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" бу борада самарали фаолият юритиб, халқимизнинг мушкулени осон қилишда яқиндан кўмакчи бўлиб келаётди. Хусусан, биргина 2017–2018 йиллар дастурлари доирасида арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш мақсадида банк томонидан 1809,1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарф этилиб, 41 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилишига эришилди.

Айтиш жоизки, 2018 йил дастуридан бошлаб намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлардан олиш тартибига қатор ўзгаришлар киритилди. Бу ҳақда "Қишлоқ қурилиш банк" бошқарма бошлиғи Дилшод Ҳасанов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги "Ариза берувчи – уй қурувчининг 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига биноан, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлар олиш тартибига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, қарорга мувофиқ, Дастур доирасида барча намунавий лойиҳалар бўйича қурилиши мўлжалланган уй-жойлар арзон уй-жойлар тоифасига киритилди. Шу билан бирга, мазкур уйлардан олиш истагида бўлган фуқаролар аризаларини кўриб чиқиш юзасидан туман ҳокимликлари қошида махсус комиссиялар ташкил этилди. Шу кунга қадар бу вазифа маҳалла идоралари зиммасига юклатилган эди.

(Давоми 4-бетда.)

БАНК РАҚАМЛИ ФОРМАТДА ИШЛАЙДИ

Рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши натижасида ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун янги бозор қоидалари — виртуал муҳитда сотиш ва сотиб олиш тамойили шаклланди. Ушбу тамойил банк хизматлари бозори учун ҳам тааллуқли бўлиб, эндиликда деярли барча банк хизматлари масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали виртуал муҳитга кириб бормоқда.



Виртуал муҳитнинг асосий талабларидан бири — бу барча кўрсатилаётган хизматларнинг тезкор, сифатли ва узлуксиз бўлишидир. Табиийки, ушбу вазифани осонликча амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун тижорат банкларидан ўз ахборот тизимларини замон талабига мутаносиб ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув жараёнларини замонавий рақамли технология-

ларга асосланган ҳолда қайта ташкил этиш, қисқача айтганда, рақамли трансформация талаб этилади.

Шу боисдан Ўзбекистон бозорида энг йирик ахборот тизимлари яратувчиларидан бири бўлган "Fido-Biznes" компанияси банк рақамли трансформациясининг мамлакатимиз учун янги бўлган эволюцион моделини таклиф этмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

МАРКАЗИЙ БАНК: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифаси кўрсатиб ўтилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий банк томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида Б. Ҳамроев қуйидагиларни сўзлаб берди.

– 2017 йилнинг иккинчи ярмигача юртимизда нофаол пул-кредит сиёсати олиб борилган. Бунга шароит ҳам, талаб ҳам бўлмаган. Президентимизнинг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонидан сўнг иқтисодиётимизда туб бурилиш бошланди. Шундан сўнг 2017 йилнинг 13 сентябрида Президентимизнинг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эъ-



лон қилиниб, шу асосда давр талабига мос бўлган фаол пул-кредит сиёсатига ўтиш бошланди. Қарорга мувофиқ, халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, ўрта мuddатли истиқболда инфляцияни таргетлаш тизимига ўтиш бўйича ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Албатта, бу тизимга ўтиш маълум бир вақт талаб қилгани боис, келгуси йилда тизимга ўтиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади.

2018 йилда эса пул-кредит сиёсатини юритишда асосий эътибор иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш ва инфляцияни таргетлаш режимида ўтишга тайёргарлик кўриш босқичида пул-кредит сиёсати инструментларини ривожлантиришга қаратилди. Бунда бозор тамойиллари ва ривожланган давлатлар марказий банклари тажрибасидан кенг фойдаланилди. Хусусан, жорий йилда банк тизими ликвидлигини таҳлил қилиш амалиёти такомиллаштирилиб, интервенцияларнинг янги стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда мажбурий резервлар тартиб ва нормативларига икки мартаба ўзгартириш киритилди.

Шунингдек, жорий йилда Марказий банк томонидан республикамиз ҳудудларида инфляцияни шакллантирувчи омиллар ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик

субъектларининг инфляцияни қутилмаларини ўрганиш бўйича сўровлар йўлга қўйилди. Инфляция даражасини прогноزلатириш ва макроиқтисодий таҳлилларни амалга оширишда кенг қамровли маълумотларга асосланувчи эконометрик моделлардан фойдалана бошланди. Шу билан бирга иқтисодиётда инфляцияни қутилмаларни пасайтириш ва инфляцияни босимнинг олдини олиш мақсадида пул-кредит шароитлари бир маромда қатъийлаштириб борилди ҳамда банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш амалиётини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш мақсадида декабрь ойидан бошлаб тижорат банклари билан депозит аукционлари ўтказиш жорий қилинди.

Шулар қаторида Марказий банк томонидан Моне-тар сиёсатининг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари жорий макроиқтисодий ҳолат ва ташқи иқтисодий вазият таҳлили, шунингдек, ташқи ва ички шароитларнинг ривожланиш прогнозлари асосида ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат ўз ичига ўрта мuddатли истиқболда пул-кредит сиёсатининг мақсад ва тамойиллари, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили ва қутилаётган натижалар, макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари ҳамда ўрта мuddатли истиқболда пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш чораларини қамраб олган.

Келгуси йилларда Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб боришни кўзда тутмоқда.

Иқтисодиёт ривожланишининг асосий сценарийсига асосан ЯИМ ўсиш суръати 2018 йил якунига кўра 5,2 фоиз, 2019 йилда эса 5,4 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Ўтган ва жорий йилларда инвестицион фаолликнинг ошиши ҳамда иқтисодиётнинг реал секторидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиёт ўсиш суръатларининг янада тезлашиши қутилаётган.

Асосий сценарийга кўра, йиллик инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари 2018 йилда 16-17 фоизни, 2019 йилда 13,5-15,5 фоизни ва 2020 йилда 10-12 фоизни ташкил этади. 2021 йилдан бошлаб йиллик инфляция даражаси бир хонали кўрсаткичга пасайиши тахмин қилинмоқда.


Б.МУҲАММАДИЕВ

“ИШ БЕРМАЁТГАН” ОБЪЕКТЛАР ТАҚДИРИ

Ҳозирги кунда бўш турган ҳар бир ишлаб чиқариш майдонига қўшимча инвестицияларни жалб этиш манбаси, янги иш ўринларини ташкил этиш имконияти сифатида қаралмоқда. Айниқса, кейинги икки йил ичида давлат объектларини хусусий мулкдорларга бериш жараёнларини соддалаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини кенгайтириш, мулкдан самарали фойдаланишда мулкдорларга қўшимча рағбат яратиш ҳамда иқтисодиётга инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида юртимизнинг 4 та фармони ва 4 та қарори, шунингдек, ҳукуватимиз томонидан бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Яқинда Давлат рақобат қўмитаси томонидан ушбу йўналишдаги ишлар суръатини янада ошириш, келгуси йилда бўш турган объектларни ишга тушириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда мулкдорларга яқиндан кўмак бериш мақсадида “Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари: таҳлиллар, имкониятлар ва истиқболлар” мавзусида форум ташкил этилиб, унда юқоридаги қонун ҳужжатлари ижроси доирасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар, таҳлиллар ҳамда бу борада кўзга ташланаётган муаммо ва камчиликлар хусусида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда Республика Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Ергодезакадастр давлат қўмитаси, қатор тижорат банклари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Маълумки, бугунги кунда фойдаланилмаётган объектларни давлат мулк иншоотлари, аввал хусусийлаштирилган бинолар, хусусий мулк бинолари ҳамда эгасиз бино-иморатлар ташкил этади. Бўш турган давлат мулк объектларини келгусида хусусийлаштириш,

ижарага бериш ҳамда давлат эҳтиёжидан ишлатиш кўзда тутилаётган бўлса, фойдаланилмаётган аввал хусусийлаштирилган ва хусусий мулк биноларини янги инвестицион лойиҳалар асосида ишлаб чиқариш майдонларига айлантириш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Агар мулкдор ўз тасарруфидаги бўш ётган бинолардан самарали фойдаланмаса, уни ишлаб чиқаришга йўналтирмаса, унга нисбатан оширилган солиқ ставкалари бўйича солиққа тортиш чораси қўлланилади. “Иш бермаётган” эгасиз бино-иморатлар эса ҳокимликлар балансига ўтказилиб, улардан ҳам самарали фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилади.

– Президентимизнинг “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида ўтказилган хатлов натижасига кўра, республикамиз бўйлаб айти кунда 48 150 та бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар мавжудлиги аниқланди, – дейди Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи Азизжон Қаҳҳоров. – Жорий йилда ана шу биноларда 4 254 та янги лойиҳа ишга туширилиб, 15 минг нафар иш ўрни яратилган бўлса, 2019–2020 йилларда 15 205 та инвестиция лойиҳасини

ҳаётга татбиқ этиш орқали ҳудудларга 11,0 трлн. сўмдан ортиқ хусусий инвестициялар жалб қилиниши ва 40 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, инвестиция лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тижорат банклари муҳим роль ўйнайди. Шу боис, форумда таъкидланганидек, мазкур жараёнда тижорат банкларининг фаол иштирокини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, тадбиркорларни имтиёзли кредитлар асосида қўллаб-қувватлаш бўш ерларда замонавий ишлаб чиқариш майдонларини тезроқ ташкил этиш демакдир. Бироқ юртимизда бу борада ҳали анчагина муаммолар кўзга ташланыпти. Жорий йилнинг 5 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда ишга туширилиши кўзда тутилаётган 14 064 та инвестицион лойиҳа аниқланган бўлса, уларнинг 3709 таси, яъни 27%игина тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Албатта, бу кам. Шу боис мазкур жараёнда, энг аввало, банкларнинг ташаббускорлигини ошириш зарур.

Шунингдек, жонли мулоқот тарзида ўтган форум давомида мулкдорларга амалий ёрдам кўрсатиш амалиётини янада такомиллаштириш, объектлардан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Бу борада барча давлат органлари ва тижорат банклари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш юзасидан турли таклиф ва тавсиялар берилди.

М.ПҲАТОВА

ЖАРАЁН

КРЕДИТ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Банклар кредит беришда муайян ахборотлар, таҳлилий кўрсаткичлар ва кредит тарихига таяниб иш юритади. Боиси, банк миқознинг кредитни ўз вақтида қайтара олиш ёки олмаслик имкониятини батафсил ўрганиши керак. Бу борада эса банкларга кредит тарихи таҳлилин юритувчи кредит бюрolari ёрдамга келади.

Хусусан, 2012 йилдан эътиборан халқаро механизмлар асосида фаолият юритиб келатган "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" (КАТМ) бюроси ҳам юртимиздаги тижорат банкларига жисмоний ва юридик шахсларнинг кредит тарихи ҳақидаги маълумотларни тақдим этиб келмоқда. Ушбу бюро айни кунларда қатор ўзгарилар ва янгиланишлар палласида турибди.

Шу муносабат билан яқинда бюро томонидан Ўзбекистон банклар ассоциациясида "Кредит ахбороти алмашинуви тизими: инновациялар, тенденциялар, стратегиялар" мавзусидаги конференция ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва юртимиздаги барча тижорат банклари ходимлари, маҳаллий ҳамда хорижий кредит ташкилотлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжумани КАТМ кредит бюроси бош директори Музаффар Саломов очиб, айни пайтда республикамиз бўйлаб кредит ахбороти алмашинуви тизимини такомиллаштириш ва кредит бюроси фаолиятини ташкиллаштириш борасида олиб борилаётган иш-

лар ҳақида сўз юритди. Жумладан, кредит ахбороти етказиб берувчилари сафини кенгайтириш, бюро ва бошқа ташкилотлар ўртасида замонавий электрон ахборот алмашинуви жорий қилиш мақсадида ҳудудлардаги кредит ахборот алмашинуви фаол бўлмаган банклар билан турли семинар ва тренинглар ўтказилганини таъкидлади.

— Айни кунда бюромизда 9 миллиондан ортиқ жисмоний шахс ва 620 мингта ташкилотнинг маълумотлар базаси, уларнинг 5 йиллик кредит тарихи бор, — дейди КАТМ кредит бюроси бош директори ўринбосари Шерзод Носиров. — Маълумотлар базасининг 84%ини кредит амалиётлари, 14,9%ини тўлов ҳужжатлари, 0,4%ини кредит шартномалари ва 0,3%ини гаровлар тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Мазкур ахборотлар, асосан, банклар, микрокредит ташкилотлари,

ломбардлар ва лизинг компанияларида йиғилади.

Анжуманда таъкидланишича, кредит ҳисоботлари бўйича янги қўшимча хизматлар, жумладан, юридик шахслар ҳақида, паспорт ва прописка тўғрисидаги, жисмоний шахслар учун СТИР маълумотларини олиш ташкил этилди. Мазкур имкониятлар эса кредит ташкилотлари учун тўпланадиган ҳужжатлар сонининг камайишига ёрдам беради. Эндиликда кредит олувчи шахс банкка паспортнинг асл нусхаси, ойлик даромади тўғрисидаги (электрон шаклдаги меҳнат дафтарчаси бўлиши мумкин), электрон шаклдаги СТИР ва прописка маълумотномаси билан боришининг ўзи етарли.

Шунингдек, анжуманда Россиянинг "Жет инфотизимлари", Беларусиянинг "Софт Клуб", Қозғистоннинг "Wings Partners" компаниялари вакил-

лари ҳам маърузалари билан иштирок этди. Хусусан, Россиянинг "Жет инфотизимлари" компанияси ходими Александр Анищенко ўз маърузасида Россияда POS кредитлаш турига талаб ўсиб бораётганини таъкидлади.

— Бизда "ХАЛВА" номли кредит тўлов картаси жорий этилган бўлиб, у кундалик харидларни 36 ойгача бошланғич тўлов, комиссия ва ҳамкор-дўконлар учун ортиқча тўловсиз амалга ошириш имконини беради, — дейди "Софт Клуб" компанияси вакили Артем Стрельченко. — Шунингдек, фоиз ставкаси 0.0001% ҳамда 0.000001%га тенг "Ташбақа", "Смарт карта", "Севимли карта", "Магнит" ҳамда "Харид карта" каби кўпжаб кредит карталаримиз ҳам борки, уларда харид суммасини бўлиб тўлаш билан бирга бошқа қатор қулайликлар ҳам яратилган. Мисол учун "Харид карта" орқали мамлакатимиздаги исталган ҳамкор-дўкон (шу карта амал қиладиган дўкон)га кириб, хоҳлаган турдаги маҳсулот ёки хизматни танлашингиз мумкин. Карта 3 йил давомида сизга чексиз харидлар имкониятини туҳфа этади. Табиийки, бундай ташаббуслар миқозларга қулайлик яратиш билан бирга банклар ўртасида соғлом рақобатнинг шаклланишига хизмат қиладди.

Шунингдек, конференция давомида чакана банк ва чакана хизматлар ҳақида сўз юритилиб, анъанавий банк бизнесини замонавий форматга олиб ўтиш борасида қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

БАНК РАҚАМЛИ ФОРМАТДА ИШЛАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Компания томонидан комплекс автоматлаштиришга мўлжалланган "Интеграллашган Автоматлаштирилган Банк Тизими" (ИАБТ) дастурий мажмуасидан ҳозирда мамлакатимизнинг бир қатор йирик тижорат банклари фойдаланиб келмоқдалар. "Fido-Biznes" МЧЖнинг стратегик мақсади — ИАБТ тизимини босқичма-босқич ривожлантириб бориш асносида банк фаолиятини автоматлаштиришнинг жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ахборот тизимини яратишдир. Бу борада бугунга қадар ИАБТ тизимининг 6 та таҳрири ишлаб чиқилган бўлиб, айни кунда компания томонидан ушбу тизимнинг янги, 7-таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

"Fido-Biznes" МЧЖнинг ўз биносида ИАБТ тизимидан фойдаланувчи тижорат банклари ва ОАВ ходимлари учун "ИАБТ 7 асосий тушунчалари. Банкнинг рақамли трансформацияси: эволюцион ёндашув" мавзусидаги анжуманда ана шу янги тизимнинг тақдими ўтказилди.

Тақдимотнинг биринчи қисмида банк рақамли трансформациясининг турли моделлари таҳлил қилинди, компания банк рақамли трансформациясининг ўзи томонидан таклиф этилаётган ИАБТ 7 тизими асосидаги эволюцион модели ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, ИАБТ тизимини 2019 йил давомида ривожлантириш режалари билан ўртоқлашди. Тақдимотнинг иккинчи қисмида ИАБТ 7 тизимининг тайёр модуллари ҳамда ҳозирда ишлаб чиқиш жараёнида бўлган "Тижорат банкининг корпоратив маълумотлар омбори" тизими имкониятлари намойиш қилинди.

— Бугун биз банк рақамли трансформациясининг ИАБТ 7 тизимига асосланган эволюцион моделини таклиф этмоқдамиз. ИАБТ 7 янги авлод автоматлаштирилган банк тизими бўлиб, у юқори самардорликка эга бўлган барқарор ва ҳафсиз тизимдир, — дейди ком-

паниянинг техник директори Шоҳайдар Шоюпов. — Шунингдек, у яна бир қатор афзалликларга эга. Масалан, "None-Stop", яъни 24/7 режимида тўлақонли ишлаш, бир вақтнинг ўзида икки амалиёт куни функцияларини бошқариш ҳамда кредит амалиётларининг конвейер технологиясини қўллаш каби имкониятларга эга. ИАБТ 7 таркибида, шунингдек, миқозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш (CRM) тизими, бизнес жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш имконини берувчи BPM тизими, ички Сервислар шинаси, лойиҳаларни бошқариш тизими сингари бир қатор янги қуйи тизимлар ҳам яратилган.

Тақдимотда айтилишича, "Fido-Biznes" таклиф этаётган эволюцион модель ИАБТ тизимини жадал суръатларда ривожлантириб бориш асносида банкда янгилаш ишлаш услубларини босқичма-босқич амалиётга жорий этиб бориш орқали рақамли трансформацияни қисқа фурсатларда, нисбатан йўқотишларсиз ва табиий равишда амалга оширишни кўзда тутди. Бу билан ИАБТ 7 рақамли трансформациянинг революцион моделини инкор қилмайди, аксинча, банкка рақамли трансформациянинг ўзи учун энг мақбул моделини танлаш имконини беради. Асосийси, ИАБТ 7 келгусида ҳам давр талаби ҳамда банк эҳтиёжлари ошиб бориши натижасида юзага келадиган қўшимча талаблар асосида ривожлантирилади.

Тақдимот давомида "FB CRM қуйи тизимининг асосий имкониятлари", "Тижорат банкининг корпоратив маълумотлар омбори ва Oracle BI воситаларига асосланган аналитик тизим" ҳамда "ИАБТ 7 нинг "24/7 режими" қўллаб-қувватлаш" опцияси" мавзуларида амалий машғулотлар ўтказилиб, уларда ИАБТ 7 тизими тайёр модуллари ҳамда Oracle BI воситаларига асосланган аналитик тизимнинг имкониятлари намойиш қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Осиё тараққиёт банки ёрдами асосида ишлаб чиқилган "Иқтисодий ва молиявий бошқарувни ислоҳ қилишни қўллаб-қувватловчи дастурлар" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Франция Тараққиёт Агентлиги (FAR) ўртасида 150,0 млн. евро миқдордаги кредит битимини имзолаш бўйича учрашув бўлиб ўтди.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА 150 МИЛЛИОН ЕВРОЛИК БИТИМ МАЪҚУЛЛАНДИ

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида белгиланган 2017–2021 йилларда миллий ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Ушбу стратегияни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида FAR директорлари кенгаши, Ўзбекистон Республикасига, иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури бўйича 20 йил муддатга, жумладан, олти йиллик имтиёзли даврига эга бўлган 150,0 млн. евро миқдордаги имтиёзли кредит беришни маъқуллади.

Дастурни амалга оширишда янги иш ўринларини яратиш ва ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари учун қўшимча молиялаштириш манбалари тақдим этилади. Кредит Осиё тараққиёт банкининг сиёсат матричаси асосида тақдим этилди. Бу макроиқтисодий маълумотлар ошкоралигини таъминлаш, фискал ва молиявий бошқарувни мустаҳкамлаш, давлат корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва хусусий секторнинг давлат дастурларида иштирокини таъминлашга қаратилган.

finance.uz

“Ўзмиллийбанк”нинг пойтахтимиздаги Олмазор филиалида “Бўлимнинг янги формати” деб номланган дастлабки лойиҳа тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида ташкил этилди.

“БЎЛИМНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИ”

“Бўлимнинг янги формати” мижозларга қулай хизмат кўрсатиш ва кўпгина масалаларни бир дарчадан ҳал қилиш каби қулайликларни яратди.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида банк чакана бўлимаси (чакана операциялар бўлими, пластик карталар чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлими) ходимлари “Фронт-офис” ва “Миддл-офис” кабиларга бўлинган.

Фронт-офисда мижозларга ягона дарча тартибда хизмат кўрсатувчи универсал иш бошқарувчилар мижозларга банк маҳсулотлари савдоси, валюта конвертацияси, SWIFT тизими бўйича банк пул ўтказмалари каби бир қатор хизматларни амалга оширади.

Мидл-офисда ойлик маош лойиҳалари хизмати амалга оширилиб, (эмиссия ва ташкилот ходимлари пластик карта-

лари, корпоратив карталар бўйича хизмат кўрсатиш, ойлик маош, ёрдам пули, нафақа пулини тушириш), терминал бериш ва хизмат кўрсатиш, жисмоний шахслар учун сўм пластик карталари эмиссияси, пластик карталарга нақдсиз пул ўтказиш хизматлари кўрсатилади.

Бу ерда ўрнатилган “Электрон навбат” мижозларга хизмат кўрсатиш ишларини ташкиллаштиришда тартибни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шунингдек, филиалда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида VIP-зона



ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш зонаси яратилган бўлиб, мижозлар мустақил равишда ёки бошқарувчи-маслаҳатчи ёрдамида планшетдан фойдаланган ҳолда коммунал тўловларни тўлаши, мобил банк тизимидан пул ўтказиб, банкоматлар орқали пул маблагларини нақд қилиб олишлари мумкин. Бундан ташқари, банкда “кредит скоринг” янги хизмати кредитни тезроқ олишда ёрдам беради.

finance.uz

Тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиш орқали даромад топадиган субъект ҳисобланади. Юртимиздаги ҳар бир тижорат банки ҳам шу асосда, бир хил турдаги банк хизматларини кўрсатган ҳолда даромад олади.

Яъни ҳисобварақлар очиш ва юрийтиш, турли мақсадлар учун кредитлар тақдим этиш ҳамда нақд пул, валюта, пластик карточкалар билан боғлиқ банк хизматларини кўрсатади. Албатта, бу хизматлар қайсидир банкда қимматроқ, қайси бирида арзонроқ бўлади. Бу эса банлар ўртасида соф рақобат муҳити шаклланишидан далолатдир беради. Рақобатдан ютишининг ягона йўли эса бу – реклама ҳисобланади.

Айни дамда тижорат банклари рекламанинг турли усулларидан фойдаланади. Шу усуллардан бири – “Ҳиссиётларга мурожаат этиш”, яъни банк хизматидан фойдаланиш имкониятига эга инсоннинг мамнун кўринишидаги юз ифодаси орқали таъсир этишдир. “Мақбул фоиз ва рақамлар” усулида – бошқаларга нис-

БАНК ФАОЛИЯТИДА РЕКЛАМА САМАРАДОРЛИГИ



батан паст фоиздаги кредит хизматлари, ёки аксинча, юқори фоиздаги омонат турлари мижозларга намоиш этилади. “Мавсумий акциялар ва чегирамлар” усулида эса банклар томонидан мижозлар учун акциялар жорий этиш, мисол учун, маълум пластик карта эгалари учун ютуқли танловларни йўлга қўйишни кўзда тутати, бу ҳам аслида реклама.

Рекламанинг яна бир кўриниши бор-

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИДА ЎЗГАРИШЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бироқ ушбу жараёнда шаффофликни таъминлаш, таниш-билишчилик ва коррупцияга йўл қўймаслик мақсадида ушбу ваколат туман ҳокимликларига ўтказилди. Эндиликда уй-жой олиш истагида бўлган фуқаролар балл тизими ёрдамида танланиб, аризани кўриб чиқиш ва ариза берувчиларнинг ижтимоий устуворлигини аниқлаш махсус комиссия томонидан белгиланган ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади. Бу ташаббус уй-жойга муҳтож оилаларга биринчилар қаторида уй олиш имконини беради.

Ўзгаришлардан яна бири Президентимизнинг 2018 йил 18 июлида “2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда ипотека кредитлари 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йилликда 7% йиллик ставкаси билан, кейинги даврда эса Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида фоиз тўлаш шартли билан ажратиладиган бўлди. Шунинг-

дек, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун дастлабки бадал миқдори ҳам ўзгариб, 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган 2, 3 хонали бир қаватли ва икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) арзон уй-жойлар учун кредит олувчилар 10% миқдоридаги бошлангич бадал тўловини, банк эса 90% миқдорида ипотека кредитини амалга оширади. 0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун эса дастлабки бадал 25% миқдорида, банкнинг ипотека кредити 75% миқдорида бўлиши белгиланди.

Бундан ташқари, юртбошимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2019 йил дастуридан бошлаб республикамиз қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши “Обод қишлоқ” дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этилади.

Г. ТУРСУНҲАТОВА

лаб кетган. Жумладан, Шимолий Америка ва Европа давлатларида яна ҳам сезиларлидир. Шимолий Американинг ўзида дунё бўйича рекламага ажратиладиган харажатларнинг деярли 40% тўғри келса; Ўрта ва Ҳинд шарқ мамлакатларини Африка давлатлари билан қўшганда 4%га ҳам етмайди. Банкларнинг мижози ҳам, даромади ҳам шунга яраша.

Мамлакатимизда ҳам банк соҳасида изчил ислохотлар олиб борилаётган бир даврда тижорат банклари учун рекламанинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Чунки улар учун яратилаётган қулай ва соф рақобат муҳити янада ғайрат билан ишлашга, янги-янги хизматларни жорий этишга, истеъмолчилар учун кенг имкониятлар яратишга ундамоқда. Бу борада аҳолини барча янгилиги хизматлардан бохабар қилишининг ягона йўли бу – энг самарали ва таъсирчан бўлган рекламалардир.

Аброр ОМОНУЛЛАЕВ,
“Ориент Финанс” ХАТБ
Шайхонтоҳур филиали
Кредитлаш бўлими ходими

АТ “Алоқабанк” янги йил арафасида мижозларга янги “АКТИВ” ва “ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ” номли омонат турини таклиф қилади.



“ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ” НОМЛИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ

АТ “Алоқабанк” мобил илова-си орқали миллий валютада, АТ “Алоқабанк” томонидан эмиссия қилинган кобейджинг банк пластик картасидан нақд пулсиз ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Омонат шартлари:

Омонат 36 ой муддатга очилади.

Омонатга қўйилмаларнинг энг кам миқдори 100 000 (бир юз минг) сўм ва юқори чегараси белгиланмаган.

Жалб қилинган омонат учун йиллик 19 фоиз тўланади.

Омонатга қўшимча маблағлар қўйиш мумкин.

Реклама ҳуқуқи асосида

“ACTIVE” номли муддатли омонатининг асосий шартлари

Омонат 13 ва 25 ой муддатга очилади.

Омонатга маблағлар нақд пулда, бошқа тижорат банкларининг пластик карталаридан нақд пулсиз, муддати тугаган жамғарма ва муддатли омонатлардан эса нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ҳам қабул қилинади.

Омонатга қўйилмаларнинг энг кам миқдори 13 ой муддатга очиладиган омонат учун 1 000 000 (бир миллион) сўм, 25 ой муддатга очиладиган омонатлар учун 5 000 000 (беш миллион) сўм, энг кўп миқдори эса чегараланмаган.

13 ой муддатга очилган омонатга йиллик 19 фоиз, 25 ой муддатга очилган омонатга йиллик 20 фоиз ҳисобланиб, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин, ишлатилмаган фоиз капиталлаштирилмайди.

“Ўзбекистондаги йил банки” номинацияси ғолиби



АТБ “Инфинбанк” “The Banker” журнали томонидан ташкиллаштирилган “Ўзбекистондаги йил банки” номинацияси ғолиби бўлди. Халқаро адлия кенгаши жорий йилда ушбу банк томонидан амалга оширилган кенг қуламли рақамли трансформацияни юқори баҳолади.

Рақамли банкингга ўтиш банк учун стратегик қарор бўлиб, дунёдаги етакчи сўнги ишланмалар — SAP ва Pegasystems корпоратив дастурий таъминотига асосланади.

Хусусан, мижозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш (CRM) ички тизими, бизнес-таҳлиллари ва автоматлаштирилган кредит конвейерларини жорий этишни муваффақиятли яқунлади. “Инфинбанк” Ўзбекистонда бир неча соат ичида қарор қабул қилиш имконига эга скоринг моделларни қўллаган ҳолда банк карталари

орқали жисмоний шахсларга кредитларни кафилиятсиз бериш борасида ҳам биринчилардан бўлди.

Ушбу мукофот “The Banker” дек таниқли халқаро молия нашрининг эътирофидир, албатта. Мазкур нашр 1926 йилдан бери чоп этилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий янгиликлари, шунингдек, жаҳон бозоридаги тенденциялар таҳлилини бериб боради.

finance.uz

FINANCEUZ хабар қилади

БАНК ХИЗМАТЛАРИ БАҲОЛАНДИ

ХАБ “Трастбанк” 10 декабрдан 20 декабргача банкнинг барча филиалларида ҳамда ижтимоий тармоқ саҳифаларида мижозлар ўртасида сўровнома ўтказди. Сўровнома ўтказишдан асосий мақсад банк хизматлари сифатини аниқлаш бўлди. Сўровномада банк томонидан хизмат кўрсатилиш даражаси ҳамда банк тўғрисидаги маълумотларни олиш манбалари қулайликларини баҳолаш сўралди. Шунингдек, мижозлардан банк хизмат турларидан фойдаланишдаги муаммо ва камчиликлар сўралаб, таклиф ва тавсияларини қолдириш имконияти берилди.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ДАН ЯНГИ ЙИЛ АКЦИЯСИ

2018 йил 15 декабрдан 2019 йил 15 январгача “Микрокредитбанк” филиалларида “Золотая корона” халқаро пул ўтказмаси бўйича акция эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистонга ушбу пул ўтказмаси орқали жўнатмалар қабул қилганлар “Банк филиалларида олинган энг кўп жўнатма” номинацияси бўйича тақдирланиб, 1-7-ўринларга 7та велосипед, 8-17-ўринларга 10 та рюкзак туҳфа этилади.

Хорижга “Золотая корона” орқали жўнатма қилганлар эса хорижга энг кўп жўнатмалар сони, суммаси ва хорижга жўнатилган ихтиёрий валютани қабул қилувчи давлатда конверсия орқали энг кўп берилган суммаси бўйича тақдирланиб, ғолибларнинг ҳар бирига биттадан SAMSUNG S9 телефони ҳадя этилади.

Ғолиблар тўғрисида маълумот акция яқунланганидан сўнг 10 иш кунни давомида банк сайтига жойлаштирилади.

Кундан-кунга юртимиз тижорат банклари ўртасида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва янги банк хизматларини тақдим этиш борасида рақобат тобора кучайиб бормоқда.

“АГРОБАНК” БАНКОМАТЛАРИ КЎПАЙДИ



“Агробанк” ҳам қисқа муддат ичида жойлардаги банкоматлари сонини 100 тадан 200 тага етказиб, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида тинимсиз изланмоқда. Табиийки, банкоматлар сонининг кўпайиши навбат кутишларга аста-секин барҳам бериб, улар етиб бормаган чекка ва олис ҳудудларга доғир кириб боришга имконият яратади.

“ОПТИМАЛ” ОМОНАТИ

“Туронбанк” АТБда аҳолига янги, хорижий валютада “Оптимал” муддатли омонати жорий этилди.

Омонатга пул маблағлари нақд пул кўринишида, хорижий валюта – АҚШ долларлари қабул қилинади. Унинг йиллик устама ҳақи 6% бўлиб, омонат бўйича энг кам бошланғич бадал миқдори 500 АҚШ долларини ташкил этади.

Омонатга 100 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар кириш қилиш имконияти ҳам мавжуд. Омонат бўйича фоизлар капитализация қилинмайди.

Энг асосийси, омонат муддатидан олдин қайтариб олинганда, омонат учун ҳисобланган ҳар олти ойлик фоизлар сақланиб қолинади. Яъни еттинчи, ўн учинчи, ўн тўққизинчи ва ҳ.к. ойларида омонат қайтариб олинса, охириги бир ой учун фоизлар тўланмайди.

БАНКЧИЛАР КИЧИК МАЙДОНДА ТЎП СУРДИ



12–16 декабрь кунлари “Микрокредитбанк” АТБ ходимлари ўртасида спортнинг футзал тури бўйича мусобақанинг республика босқичи ўтказилди.

Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур турнирда банкнинг Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят филиаллари жамоалари иштирок этди.

Маълумки, бутун дунёда спорт дўстлик, тинчлик ва бирдамлик рамзи дея эътироф этилади. Бу каби спорт мусобақаларининг банк тизимида тез-тез ўтказилиши эса нафақат жамоа-

да jismoniy tarbiya va soғlom turmush tarzini targhib qilishga, qolaversa, hamkasblar ўrtasida ўzaro hamjihatlik va dўstona munosabatlarнинг shakllanishiga, ёsh iqtidor egalari yangi marra-lar sari ruҳlantirishga ham xizmat qiladi.

Shunday qilib, 14 ta jamoa 4 ta guruhga bўlingan ҳolda goliblik uchun kurashdi. Har bir guruhdan ikkitadan jamoa chorak finalga chiqdi. Finalga qadar Qoraqalpog‘iston va Sirdarё jamoalari etib kelishdi. Hal qiluvchi bahsda Sirdarё viloyati jamoasi 6:4 hisobida gалаbaga erishib, kubokni qўlga kiritdi.

Musobaqa yakunida goliblarга diplom va esdalik sovgalari topshirildi.

finance.uz



Qishloq Qurilish Bank

MOODY'S INVESTORS SERVICE

Халқаро рейтинг агентлиги томонидан
“Қишлоқ қурилиш банк”
акциядорлик тижорат банкига
рейтинглар берилди.

Рейтинглар истиқболи — “Барқарор”.

Маълумот учун:
(+99878) 150-39-93, 150-93-39
www.qqb.uz

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида !

Хизматлар лицензияланган

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

ПУЛЛИК МАГИСТРАЛ ЙЎЛЛАР ҚУРИЛАДИ



2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, инвесторлар ва тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида куйидагилар берилади:

– пуллик магистрал йўллар қуриш бўйича йўл ва ер участкалари;

– шахс юзини ва транспорт воситасининг давлат рўйхатида ўтказиш рақамини интеллектуал видеокамералар орқали аниқлаш тизимларини жорий этиш учун йўл участкалари – 10 йилгача бўлган муддатга;

– пуллик тўхташ жойлари ташкил этиш учун йўл участкалари – 10 йилгача бўлган муддатга;

– бозорлар ва савдо комплексларида туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини уларнинг негизида автотранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этадиган ахборот тизимларига эга бўлган замонавий пуллик автомобиль сақлаш жойлари таш-

кил этиш учун – 10 йилгача бўлган муддатга;

– йўл бўйи инфратузилма объектлари, шу жумладан, кемпинглар, мотеллар, ҳайдовчи ва йўловчилар дам оладиган, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиладиган ва таъмирландиган бошқа жойларни, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларини қуриш учун ер участкалари – 10 йилгача муддатга.

Шунингдек, пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми маҳаллий бюджетга ва қамиди 70 фоизи хусусий шерикнинг ҳисоб рақамига тушади.

Ўрнатилган интеллектуал видеокамералар ёрдамида аниқланган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммасининг қамиди 20 фоизи республика бюджетига ўтказилади, 20 фоизи маҳаллий бюджетга тушади, 30 фоизи Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, 30 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми хусусий шерикнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармони (ПФ-5594, 12.12.18) қабул қилинди.

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фармон билан Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси негизида Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди.

Қўмита Ҳукуматнинг Геология, ёқилги-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига ки-ради.

Фармонга мувофиқ:

– радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш;

– саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, истироҳат боғлари аттракционларини эксплуатация қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш;

– атом энергиясидан фойдаланиш соҳасини лицензиялаш қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Қўмита раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИДА ҚЎШИМЧА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Кичик саноат зоналари ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорларга кейинчалик мулк ҳуқуқи берилган ҳолда 10 йил муддатга ижарага берилади.

Фарғона вилоятида қўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиш чора-

тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарор билан Фарғона шаҳрида, Фурқат, Кува, Ўзбекистон, Олтиариқ, Ёзёвон ва Қўштепа туманларида кичик саноат зоналари (КСЗ) ташкил этилиши белгиланди.

КСЗ ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорларга кейинчалик мулк ҳуқуқи берилган ҳолда 10 йил муддатга ижарага берилади ва ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади.

Ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарор Фарғона вилояти эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

ИМТИЁЗЛАР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармонига ўзгартиришлар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, шакар ишлаб чиқарувчиларни импорт хомашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солигидан озод қилиш муддати 2020 йил 1 январга қадар узайтирилди. Илгари бу имтиёзнинг муддати 2019 йил 1 январгача эди.

Шунингдек, 2020 йил 1 январга қадар боғхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган озиқ-овқатлар рўйхатидаги шакарқамиш ёки лавлагли шақари ва кимёвий тоза сахароза ўрнига хушбўй хид ва таъм берувчи ёки ранглантирувчи қўшимчаларсиз шакар хомашёси киритилди.

Эслатиб ўтаамиз, ушбу рўйхатга қорамол, қўй ва эчкилар, қорамол гўшти, қўй ёки эчки гўшти (музлатилганидан ташқари), картошка, гуруч, соя ловияси, кунгабоқар уруғи, кунжут уруғи киритилган.



Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган этиб белгиланди.

Шунингдек, Агентлик ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органли ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул ҳисобланади.

Бундан ташқари, ахборот тизимлари, ресурслари ҳамда

ҲУКУМАТ МОБИЛЬ АЛОҚА ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгиланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига “Электрон ҳукумат” тизими доирасида амалга оширилаётган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиш ҳамда уларни тўлиқ хатловдан ўтказиш вазифаси топширилди.

2019 йил 1 апрелга қадар Агентлик лойиҳаларни танқидий кўриб чиқиб, лойиҳанинг мақсадга мувофиқ, долзарб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазифаларига мос келадиганларини давом эттиради ҳамда 2019 йил 1 майгача “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқади.

Алоқанинг махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежалишини таъминлайдиган ҳукумат мобил алоқаси тизими жорий этилади.


Ушбу тизимга мувофиқ 2019 йил 1 апрелдан бошлаб давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланиш мажбурий этиб белгиланди.

ДУНЁГА НИГОҲ

“ЭНГ ЙИРИК БАНКЛАР” ЎНТАЛИГИ — 2018

Ҳар йили рейтинг агентликлари, таҳлилчилар ва молия компаниялари томонидан йилнинг энг ишончли, даромадли ва муваффақиятли банклари рейтингини тузилади. Рейтинг турли параметрлар, жумладан, банкларнинг жами активлари ва бозор капитали миқдори асосида шакллантирилади. Хўш, якунланиб бораётган йилда қайси банклар дунёнинг “Энг йирик банклари” сифатида эътироф этилди? Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Демак, рейтинг рўйхатининг юқори погонасини бир неча йиллардан бери бу борада етакчилик қилиб кела-



ётган “Хитой саноат-тижорат банки” (ICBC) 3470 млрд. АҚШ долларилик активлари ва 180,69 млрд. долларлик бозор капитали билан эгаллади. Мазкур банк Хитой молиявий институтларининг “Катта тўртлиги”га кириб, мамлакат банк секторининг деярли бешдан бир қисмини назорат қилади. Банк 1984 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 460 мингдан ортиқ ходимига эга. 70%дан ортиқ улуши давлат хиссасига тегишли. Бош қароргоҳи мамлакат пойтахти Пекинда жойлашган.

Иккинчи ўрин — “Хитой қурилиш банки” (1954 йилда ташкил топган, 3020 млрд. доллар активлари ва 253,4 млрд. долларга яқин бозор капиталига эга).



Учинчи ўрин — “Хитой қишлоқ хўжалиги банки” (1951 йилда ташкил топган, активлари — 2820 млрд. доллар, бозор капитали — 203,96 млрд. доллар).



Тўртинчи ўринни “Хитой банки” (1912 йилда ташкил топган, 2600 млрд. долларлик активлари ва 180,69 млрд. долларлик бозор капитализациясига эга) “ишғол” этган.




Хитой банкларидан сўнг рейтингнинг бешинчи погонаси Япониянинг “Mitsubishi UFJ Financial” банкига насиб этди. Дунёнинг 40 та давлатида ўз филиалларига эга мазкур банк 111,66 млрд. долларлик бозор капитали билан Японияда биринчи ўринда туради. Компаниянинг ташкил этилганига 13 йил бўлишига қарамай, унинг актив-

лари анчага етган — 2,59 трлн. доллар. Бош қароргоҳи Осака шаҳрида жойлашган.



Олтинчи ўринда АҚШ банк секторидида жадал суръатларда ўсиб бораётган “JPMorgan Chase” банки. Ушбу банк 2000 йили бир неча йирик банкларнинг қўшиливи натижасида ташкил топган. Бош қароргоҳи Нью Йорк, Манхеттенда жойлашган. У дунёдаги йирик инвестицион банклардан бири ҳисобланади. Айна пайтда банкнинг



активлари 2490 млрд. доллар бўлиб, бозор капитали 390,93 млрд. долларни ташкил этади.

Жуда қадим тарихга эга, яъни 1865 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Лондондаги “HSBC” банки эса рўйхатнинг 7-погонасини забт этди. У нафақат Европа, балки дунё бўйича



йирик конгломерат банк (молия бозори иштирокчиси, фақат молиявий хизматларнинг беш асосий йўналишидан камида иккитасини ўз ичига олади)лардан бири ҳисобланади. “HSBC” дастлаб Европа ва Хитой ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ташкил этилган, ҳозирга қадар мазкур масалаларда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Ушбу молия муассасасининг активлари 2,37 трлн. долларни, бозор капитали эса 154,75 млрд. долларни ташкил этади.

Рейтингнинг 8-погонасини эса 1999 йилда асос солинган молия, банк ва сугурта хизматлари бозорида Европа етакчиси бўлмиш Франциянинг “BNP Paribas” банки “ишғол”




этган. Айна пайтда мазкур компаниянинг дунё бўйлаб бир неча ваколатхоналари бор. Париж, Женева ва Лондон шаҳарларида бош офисларига эга. Банк активлари 2190 млрд. долларни, бозор капитали эса 84,31 млрд. долларни ташкил этади.

“Энг йирик банклар” рўйхатининг 9- ҳамда 10-ўринлари АҚШ банклари — “Америка банки” (активлари — 2189 млрд. доллар, бозор капитали — 325,33 млрд. доллар) ва “Wells Fargo” (1930 млрд. долларлик активларга, 308,24 млрд. доллар бозор капиталига эга)га насиб этди.



Эслатиб ўтамиз, активлар ва бозор капитали миқдори йил бошидаги маълумотларга асосланган.

ҲИНДИСТОН ЭКСПОРТДАГИ УЛУШINI КЎПАЙТИРАДИ



Ҳиндистон АҚШ ва бошқа мамлакатлар бозорига ўз маҳсулотларини экспорт қилишга янада жиддий эътибор қарата бошлади. Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Суреш Прабхунинг таъкидлашича, жаҳоннинг икки йирик мамлакатлари АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатнинг совуқлашиши туфайли Хитой маҳсулотларига бўлган талаб бироз камайганидан Ҳиндистон унумли фойдаланиши керак.

Хитой ва АҚШ ўзаро давлат божини тўлашни назарда тутадиган янгиликни жорий этганидан сўнг Нью-Дехли айрим маҳсулотлар, жумладан, автомобиль эҳтиёт қисмлари, кимёвий моддалар ва маиший техникалар экспортга алоҳида эътибор қарата бошлайди.

Жаҳонда маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Ҳиндистоннинг улуши 1,7 фоизни ташкил этади. Айна пайтда Хитойда бу кўрсаткич 12,8 фоизга тендир.

— АҚШ ва Хитой ўртасидаги зиддиятчи ҳолатнинг сақланиб қолаётгани бизнинг фойдамизга хизмат қилиши мумкин, — деди Прабху. — Узоқ муддатли стратегиянинг моҳияти шундаки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фақатгина АҚШ эмас, балки бошқа давлатлар бозорини эгаллаш учун ҳам зарурдир.

Буюк Британия ҳукумати пулларни ноқонуний ўзлаштириш ва легаллаштиришга қарши курашиш доирасида сармоядорлар визаси деб номланган рухсатнома беришни вақтинча тўхтатиб қўяди.

БУЮК БРИТАНИЯ САРМОЯДОРЛАРГА ВИЗА БЕРИШНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТАДИ

Рухсатнома беришда компаниялар ўз молиявий ҳолатини тўлиқ акс эттирувчи аудит натижаларини тақдим этиши керак. Шундан кейин инвестициявий визани олишни назарда тутувчи янги меъёрлар кучга киргунга қадар тўхтатиб қўйилади. Бундан ташқари, Буюк Британия иқтисодиётига сармоя киритиш шартларидан давлат облигациялари чегириб ташланади.

Янги меъёрлар 2019 йилда кучга кириши кутилмоқда.

— Биз қоидага амал қилмай, тизимдан ўз манфаати йўлида фойдаланишига интилаётганлар билан муроасага кела олмаймиз, — деди Иммиграция ишлари бўйича вазир Каролина Ноукс. — Янги меъёрлар иммиграциявий тизимдан Британияда ишбилармонликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ҳақиқий сармоядорлар фойдаланишига имкон яратади.

Сармоядорлар визаси Европа



Иттифоқи таркибига кирмайдиган давлатнинг фуқароларига қисқа муддатларда Англияда яшаш ҳуқуқини тақдим этади. Шунингдек, мазкур рухсатнома ёрдамида Буюк Британия иқтисодиётига 2 миллион фунт стерлинг (2,54 миллион АҚШ доллари) дан ортиқ маблағ йўналтирган сармоядорга фуқаролик мақомини олиш имконини беради.

2017 йилда мингдан ортиқ сармоядорларга виза берилган бўлиб, уларнинг аксар қисми Россия ва Хитой давлатларидан бўлди.

СТАТИСТИКА

Республика товар-хонаш ё биржасида
2018 йил 10 декабрдан 14 декабргача бўлган
биржа (ички бозор) маҳсулотларининг котишковаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	—	0	0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	—	0	0%
Автобензин АИ-80	4 352 639	▲	93 281	2,2%
Автобензин АИ-91	6 157 351	▲	285 944	4,9%
Автобензин АИ-95	9 120 000	—	0	0%
Азот-фосфорли калий NPK 10:10:10 (қопда)	1 739 999	▲	139 999	8,7%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 751 868	—	0	0%
Аммиак селитра "А" (қадоқланмаган)	1 442 518	—	0	0%
Аммофос 46:10 (қопда)	3 316 158	▼	-46 914	-1,4%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 486 413	▲	2 031	0,04%
Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 042 238	▼	-18 771	-0,5%
Дизель ёқилғиси	7 662 798	▼	-1 079 218	-12,3%
Дизель ёқилғиси ЭКО	8 243 189	▼	-40 642	-0,5%
Сўндирилмаган оҳак 1-нав (қопда)	634 800	—	0	0%
Карбамид "А" (қадоқланмаган)	1 707 681	▲	135 681	8,6%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	7 615 122	▼	-33 036	-0,4%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	9 209 700	—	0	0%
Нефть кокси	2 367 498	▲	919 718	63,5%
Ем аралашмаси	1 149 020	▼	-49 203	-4,1%
Доира 100 ст 3 СП	5 636 845	▲	2	0,0%
Линт 1-нав тип Б (олий класс)	3 418 277	▲	31 185	0,9%
Линт 2-нав тип Б (олий класс)	2 762 999	—	0	0%
Лист г.к 16,0x1500x6000 мм 3 сп пс 5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	8 720 397	▼	-325 321	-3,6%
Саноат мойи И-50А	6 334 718	▲	340 693	5,7%
Мотор мойи DELCOR GT1 SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	—	0	0%
Рулонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (кв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис ўрамаси	52 614 625	▼	-1 375 270	-2,5%
Бўғдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бўғдой уни, олий нав	2 563 968	▼	-49 437	-1,9%
Хўжалик совуни, 70% (дона)	2 675	▼	-132	-4,7%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	3 511 574	▲	143 962	4,3%
Полипропилен J-550S	12 483 926	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	13 978 506	—	0	0%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д20 (қопда)	559 749	▲	22 979	4,3%
Сим 6,3 ст 3	7 587 683	▼	-65 756	-0,9%
Ем учун дон 3-класс	1 514 726	▼	-377 278	-19,9%
Ем учун дон 4-класс	1 762 493	▼	-226 028	-11,4%
Ем учун дон 5-класс	1 443 040	▼	-272 770	-15,9%
Шакар (импорт)	4 500 000	—	0	0%
Суюлтирилган газ	4 695 336	▼	-381 979	-7,5%
Мойли солидол смазка	13 116 196	▲	516 196	4,1%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 949 791	▼	-1 715	-0,09%
Техник туз	250 000	—	0	0%
Алюминий қотишмалари АК7	14 681 707	▼	-12 293	-0,1%
Пўлат тузука г.к 6x1500x6000	8 000 000	▲	379 166	5,0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 800 000	▼	-50 000	-0,7%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	19 897	▼	-235	-1,2%
Шиша банка 3 л (дона)	2 281	▼	-10	-0,4%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	1 066 773	▼	-7 144	-0,7%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	—	0	0%
Труба 114x4 (метр)	86 283	▲	29	0,03%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	119 995	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	6 000 000	—	0	0%
Кўмир СССШ-13	312 767	▼	-12 342	-3,8%
Швеллер 12	8 890 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	2 184 617	▲	608 470	38,6%
Шифер 8 тўлқинли	32 000	—	0	0%
Шрот (кунгабоқар)	1 655 999	—	0	0%
Шрот (соя)	4 500 259	▲	825 870	22,5%
Пахта чигити шрот (кунжараси)	2 184 617	▼	-134 974	-5,8%
Арпа	1 350 000	—	0	0%

* Маҳсулотлар котишковаси охири ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охири савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингига ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варагидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 18 декабрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 325,59	▼	12,95	0,16%
1 Евро	9 413,74	▼	-42,72	-0,45%
1 Россия рубли	124,70	▼	-0,52	-0,42%
1 Англия фунт стерлинги	10 476,09	▼	-102,58	-0,97%
1 Япония иенаси	73,44	▼	-0,31	-0,42%
1 БАА дирхами	2 266,82	▲	3,52	0,16%
1 Афғонистон афғониси	110,13	▲	0,10	0,09%
1 Арманистон драма	17,24	▲	0,05	0,29%
1 Аргентина песоси	218,43	▼	-4,27	-1,92%
1 Австралия доллари	5 974,44	▼	-9,83	-0,16%
1 Озарбайжон манати	4 916,49	▲	6,48	0,13%
1 Бангладеш такаси	99,90	▼	-0,06	-0,06%
1 Болгария леви	4 812,48	▼	-26,92	-0,56%
1 Баҳрайн динари	22 095,51	▲	45,48	0,21%
1 Бруней доллари	6 047,06	▼	-21,89	-0,36%
1 Бразилия реали	2 125,50	▼	-1,91	-0,09%
1 Беларусь рубли	3 929,95	▲	22,72	0,58%
1 Канада доллари	6 221,48	▼	-19,71	-0,32%
1 Швейцария франки	8 345,62	▼	-48,44	-0,58%
1 Хитой юани	1 205,73	▼	-3,68	-0,30%
1 Куба песоси	8 325,59	▲	12,95	0,16%
1 Чехия кронаси	365,40	▼	-0,73	-0,20%
1 Миср фунти	463,82	▼	-1,61	-0,35%
1 Грузия лариси	3 147,67	▼	-7,03	-0,22%
1 Венгрия форинти	29,11	▼	-0,18	-0,61%
1 Исроил шекели	2 209,79	▼	-17,90	-0,80%
1 Ҳиндистон рупийси	115,78	▼	-1,55	-1,32%
1 Эрон риали	0,20	—	0	0%
1 Қирғизистон соми	119,45	▲	0,19	0,16%
1 Жанубий Корея вони	7,36	▼	-0,04	-0,54%
1 Кувайт динари	27 378,70	▲	2,07	0,01%
1 Қозоғистон тенгеси	22,45	▲	0,01	0,04%
1 Малайзия ринггити	1 990,34	▼	-5,97	-0,30%
1 Польша злотийси	2 193,48	▼	-12,34	-0,56%
1 Сингапур доллари	6 047,94	▼	-21,45	-0,35%
1 Тожикистон сомони	883,76	▲	1,42	0,16%
1 Туркменистон манати	2 385,56	▲	3,71	0,16%
1 Янги турк лираси	1 552,56	▼	-15,30	-0,98%
1 Украина гривнаси	298,47	▼	-0,71	-0,24%
1 СДР	11 441,03	▼	-76,63	-0,67%

ЎЗРВБ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	курс	USD/UZS		
		динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 16 ноябрь	8283,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 19 ноябрь	8291,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 20 ноябрь	8302,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 21 ноябрь	8297,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 22 ноябрь	8304,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 23 ноябрь	8305,0	▲	1,00	0,01%
2018 й. 26 ноябрь	8312,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 27 ноябрь	8318,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 28 ноябрь	8309,0	▼	-9,00	-0,11%
2018 й. 29 ноябрь	8319,0	▲	10,00	0,12%
2018 й. 30 ноябрь	8317,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 3 декабрь	8320,0	▲	3,00	0,04%
2018 й. 4 декабрь	8315,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 5 декабрь	8309,0	▼	-6,00	-0,07%
2018 й. 6 декабрь	8306,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 7 декабрь	8317,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 10 декабрь	8323,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 11 декабрь	8330,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 12 декабрь	8326,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 13 декабрь	8320,0	▼	-6,00	-0,07%
2018 й. 14 декабрь	8329,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 17 декабрь	8337,0	▲	8,00	0,10%

МУШТАРИЙЛАРНИНГ ТАКЛИФИ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ



Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт одамларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, талаб ва истакларини ҳам ўзгартирляпти. Муштарийларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида иш юритишга интилаётган оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятини янгича ёндашувларга катта эътибор берилмоқда.

“Банк ахборотномаси”, “Банковские вести” газеталари ҳам давр билан ҳамнафас бўлишга интилаётган газеталар жумласидан дейиш мумкин. Бу интилишни тайёрланаётган мақолалар ва саҳифалар дизайнидаги ўзгаришлар мисолида кузатиш мумкин. Эътиборлиси, тахририят жамоасининг саъй-ҳаракатлари беса-мар кетмаяпти. Маълумки, мазкур газеталар, асосан, банк ходимларига мўлжалланган бўлиб, соҳага оид мақола, хабар ва янгиликлар чоп этилади. Бу, шубҳасиз, банк ходимларининг билимини, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган банкларда маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилиб, китоб ва газета мутлоаси йўлга қўйилмоқда, чоп этилган мақолалар юзасидан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Тахририятнинг ҳудудларда газет-хонлар билан тез-тез ижодий учра-шувлар ўтказаятгани эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўляпти, де-

сак хато бўлмади. Чунки бундай учра-шувларда газетанинг ютуқ ва камчили-ги очик айтилиб, ўқувчилар томонидан фикр-мулоҳазалар билдириляпти.

Яқинда Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Навоий вилоятларида тахририят ходимларининг муштарийлар билан ана шундай учрашувлари бўлиб ўтди.

— Ходимларимиз “Банк ахборотномаси” ва “Банковские вести” газеталарини катта қизиқиш билан ўқийдилар, — дейди Наманган вилоят Марказий банк ҳудудий бошқарма бошлигининг ўринбосари Маъруфжон Раҳмонов. — Чунки газетада асосан фаолиятимизга оид янгилик ва мақолалар чоп этилади. Албатта, бу яхши. Аммо газета саҳифалари турли мавзулар билан янада бойитилса, муштарийларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар бериб берилса, экспертлар билан соҳада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлар ўтказилса, газета янада ўқишли бўларди.

— Ўқувчи газетани фақат янгиликлардан хабардор бўлиш ёки билимини ошириш учун эмас, маданий ҳордиқ олиш учун ҳам ўқийди. — дейди бош ҳисобчи Музаффар Ишонходжаев. — Шунинг учун газета саҳифаларида маданият, адабиёт ва санъатга оид мақолалар ҳам ёритиб борилса, айни мuddао бўларди.

— Мамлакатимизда газета-журналларга мажбурий обунга чек қўйилганидан барчанинг хабари бор, — дейди Навоий вилоят Марказий банк бошқармасининг бош ҳисобчиси Мехриддин Гадов. — Ҳар йили обуна бўйича режалар белгиланарди. Бу йил режа ҳам, ҳисобот ҳам йўқ. Лекин ходимларимиз ўз ташаббуслари билан газета-журналларга, жумладан, “Банк ахборотномаси” ва “Банковские вести” газеталарига обуна бўлишляпти. Демак, бу газеталар ўқувчилар меҳрини қозонган. Тахририят бундан кейин ҳам ана шу ишонч ва меҳрни йўқотмасдан ҳамisha изланиб, янгиликларга интилиб ишлади, дея умид билдираман.

Албатта, газетхонларнинг меҳр ва ишончига сазовор бўлиш осон эмас. Уларнинг талаб ва истаклари асосида иш юритиш ютуқлар гаровидир.

Ў.АБДУЛЛАЕВ.

Лондонда пластик карталар орқали эҳсон қилиш имкониятини яратувчи ўнлаб терминаллар ўрнатилди.

ЛОНДОНДА “ЭҲСОН ҚИЛИШ” ТЕРМИНАЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Эндиликда Лондон шаҳри аҳолиси NFC технологиялари ёрдамида ҳайрия ташкилотларига эҳсон қилиш имкониятидан фойдаланишлари мумкин. Шаҳар бўйлаб бошпанасиз аҳоли вакилларига ёрдам бериш имконияти яратилган терминаллар ўрнатилган.



Эҳсон қилишга мўлжалланган ихчам пунктлар Лондондаги 35 та ҳудудда ўрнатилди. Қиш мавсумида бу каби терминаллар сони 90 тага етиши кутилмоқда.

Пластик карта терминалга теккизилганда автоматик равишда ҳисобдан 3 фунт стерлинг миқдорига пул маблағи ечиб олинади. Йиғилган пул маблағлари London Homeless Charities Group таркибига кирувчи ва уйсизларга ёрдам кўрсатувчи 22 та ҳайрия ташкилотлари ўртасида тенг тақсимланади.

Таъкидлаш жоизки, Лондон аҳолиси пластик карталар ёрдамида тўловларни амалга оширишни маъқул қўришди. Шу сабабли эҳсон қилишнинг ушбу кўриниши бир қатор қулайликларни олиб келиши табиий

uzcard.uz

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019

Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат “Банк ахборотномаси” газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкилотлар орқали расмийлаштиринг.
- Тахририят бугунги кунда куйидагилар билан шартнома имзолаган:

ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ “Ўзбекистон почтаси”;
- ▶ “Матбуот таркатувчи” агентликлари.

ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ “SAYYOR 2017” МЧЖ;
- ▶ “GRAND INTER MEDIA” МЧЖ;
- ▶ “SHA-GAY PRESS SERVIS” МЧЖ;
- ▶ “Matbuot Servis” МЧЖ;
- ▶ “Matbuotchi” МЧЖ;
- ▶ “SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ;
- ▶ “KALEON INFORM” МЧЖ;
- ▶ “MATBUOT TONGI” МЧЖ.

- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти — www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



ОБУНА-2019

БОЗОРНИ
ТўЛАҚОНЛИ
ИДРОК ЭТИШ
ИМКОНИЯТИ



Обуна бўйича мурожаат учун:

Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.

Факс: (998) 71 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz

Обуна индекси — 102.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О. ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ ҚУМАГИ

ЎЗА, “Туркистон-пресс” НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кучаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

71 232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси — 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунни чиқади.

Бюролма № 11289.

Адади 3054 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга ружат этилди: 19.12.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5 6